



УДК 634.11

**СИФАТЛИ ОЛМА КЎЧАТЛАРНИ ЕТИШТИРИШДА
ПАЙВАНДТАГЛАРНИ ЭКИШ МЕЪЁРЛАРИ ТАЪСИРИ**

Ташбоев Шухратбек Турсунович

Хўжаев Хамидулло Шахобиддинович

Ўринов Дилмуроджон Мирзамахмудович

Академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик,

узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот

институту Андижон илмий тажриба

станцияси илмий ходимлари

Анотатция: Мазкур мақолада Академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институту Андижон вилояти Избоскан тумани жойлашган Андижон илмий тажриба станцияси **иқлим шароитларида янги олманнинг кечки** Пинк леди навини турли экиш схемаларда ММ-106 пайвандтагида кўчатларнинг сифат кўрсаткичлари ҳамда кўчат чиқими ҳақда маълумотлари.

Калит сўзлари: ММ-106, Пинк леди, **кўчатхона, пайвандтаг фенологик, биокимёвий, морфологик, экологик, транспортировка, сертификация**

Кириш Қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган туб ўзгаришлар мева кўчатчилигига ҳам бевосита таъсир этмоқда. 2023-2026 йилларда Ўзбекистон Республикасида мева, узум ва резаворларнинг экинларининг кўчатларини етиштиришни ривожлантириш миллий дастурининг 5-бандида касаллик ва зараркунандаларга ҳамда қурғоқчиликка чидамли мева, узум ва резаворларнинг янги



навларини яратиш Сертификатланган мева ва узум пайвандтаглари ҳамда кўчатларини кўпайтириш ва етиштиришни йўлга қўйишга вазифаси юклатилган. Охирги йилларда кўчатчилик тармоғини янги технологиялар асосида ривожлантириш, сифатли ва сертификатланган мева кўчатларини етиштиришга ҳамда боғбонларга етказиб беришда қатор ижобий ишлар амалга оширилди.

Академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтининг Андижон илмий-тажриба станцияси томонидан уруғли данакли ва субтропик мева экинларни стандарт кўчатларини етиштириш хажми кўпайтириш орқали ҳосилли боғларни барпо этишга алоҳида этибор қаратилмоқда.

Республикамиз боғларида мевали ва резавор мевали ўсимликларнинг қимматли хўжалик белгиларига эга бўлган маҳаллий ва четдан келтирилган навлари ўстирилмоқда. Қайта ишлаш саноатининг ривожланиши, икисодиётнинг бозор тизимига ўтиши навларга бўлган талабни ортиб бормоқда. Шунинг учун маҳаллий шароитларга мослашган, ҳосилдор, ҳар хил хўжалик мақсадларида ишлатиш учун яроқли янги навларни яратиш, республикамизда мевали ва резавор мевали ўсимликлар навлар мажмуини яхшилаш ҳамда кўчатчилигини тизимли ташкил-илмий тадқиқотларимизнинг энг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади.

Олма ва нок ўсимликларини турли хил пайвандтагларга пайвандлаб етиштириш – уларни кўпайтириш оммалашган йўли ҳисобланади. Шунинг учун кўчатхонада пайвандтагларни ўсиши, уларга пайвандланган пайвандустларни тутиб кетиши, кўчатларни тана узунлиги ва қалинлиги кўрсаткичлари муҳим ҳисобланади.

Республикамизда мевали дарахт турларидан бири олмага бўлган талаб йил сайин ортиб бормоқда. Улар турли ҳудудларда суғориладиган шароитда етиштирилади. Ўсимликларнинг ўсиш ва ривожланиши учун мақбул шароитларни яратиш, айниқса, мақбул пайвандтаглар миқдорини ҳисоблаш зарур.



"Маълумки, турли селекция группаларига мансуб пайвандтаглар кўпайтириш (репродуктив регенерация) қобилияти жиҳатидан кескин фарқ қилади (Карычев, 1981; Арутюнов, 1968; Гулько, 1982; Асадулаев, 1987). Кўчатчилик амалиётида шундай ҳоллар кузатиладики, пайвандтаглар яшил қаламчалар ва илдиз қисимлардан она ўсимликларидан кўпайтирилади ва юкони ҳосилдорлиги туфайли, айрим пайвандтаглар экологик жиҳатдан муайян шароитга мослашмаган ва камқиммат бўлса-да, кенг тарқалади. Илдиз тизимининг сустлиги, курикчиликка чидамсизлиги, касаллик ва зараркунандаларга чалиниши, ва навлар билан номувофиқлиги уруғли мева экинларининг қисқа умрли ва самарасиз бўлишининг асосий сабабларидир." [4 С. 40-43], [5 20 с], [6 257 с], [7 С. 9-11]

Материаллар ва услублар Фенологик биокимёвий кузатувлар Академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти Андижон илмий тажриба станциясининг олманинг **ММ 106** пайвандтагларига пайвандланган **Пинк ледий** навида ўтказилди. Дала тажрибалари **Биометрик ўлчовлар 2 ёшли кўчатхонасида** **Тажриба майдонларида** **тўрт қайтариқда 6 та ўсимликда тажриба олиб борилди.** **Тажрибалар** В.Ф.Моисейченконинг “Методика учетов и наблюдений в опытах с плодовыми и ягодными культурами” (1967) номли услубий адабиётларида келтирилган тавсияларга Олма навларни ўсиб ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари “Программа и методика сортоизучения плодовых, ягодных и орехоплодных культур” услубидан фойдаланилди.

Тажриба маълумотларига статистик ишлов бериш Б.Н.Доспехов [3] бўйича дисперсион таҳлил усулида ўтказилди.

Тажриба вариантлари 4 та қайтариқда жойлаштирилди. Ҳар бир қайтариқ майдони **250 м²** ни ташкил этди.



Олма кўчатларининг сифати ва сертификацияси учун ГОСТ 28182-2023 (MDHда янги таҳрир), Ўзбекистонда O‘z DSt 1234:2023 каби миллий стандартларга кўра олма кўчатлари учун куйдаги

- Нав ва пайвандтаг талаблари
- Морфологик мезонлар
- Касаллик ва зараркунандаларга қаршилиқ
- Экологик ва агротехник шартлар
- Транспортировка ва сақлаш

-Сертификация ва ҳужжатлар каби талаблар бўйича танлаб олинди.

Вариантлар	Кўчатларнинг бўйи см		Кўчатларнинг диаметри мм		Ён шохлар сони
	см	%	ММ	%	
90x12 см назорат	135.6	100	10.5	100	2.2
90x15 см	158.3	116.8	11.7	111.4	3.1
90x20	176.5	130.0	13.2	125.7	3.4
90x25	184.6	125.0	14.8	140.9	3.5

**1-жадвал ММ-106 пайвандтагларда етиштирилган олманинг “Пинк Леди” нави
Кўчатларнинг сифат кўрсаткичларига экиш схмаларининг таъсири (2023-2024
й.й)**

Кўчатларнинг морфологик меъзонлари кўчатларининг бўйи ўлчов метири билан кўчатларнинг тана диаметри штанг циркул билан ўлчаб шохланиш даражаси кўз билан ажиратиб олинди.

Натижалар ва мунозара Пастекислик ҳудудларда олма навларини интенсив кўчатларини етиштиришда шу ҳудудга мос пайвандтаглардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлди. Олиб борилган тадқиқотимизда ММ-106 пайвандтагларига уланган



ярим пакана пайвандтагига турли экиш схемаларда олманинг Пинк Леди навини пайвандлаш орқали интензив кўчатлари етиштирилди.

90x12 см га экилган назорат вариантда етиштирлаган **Кўчатларнинг бўйи ўртача 135.6 см кўчатларнинг диаметри 10.5 мм ни шаиланган ен шохлар сони 2.2 донани ташкил этди.** 90x15 см га экилган вариантда етиштирлаган **Кўчатларнинг бўйи ўртача 158.3 см кўчатларнинг диаметри 11.7 мм ни шакиланган ён шохлар сони 3.1 донани ташкил этди.** 90x20 см га экилган вариантда етиштирлаган **Кўчатларнинг бўйи ўртача 176.5 см кўчатларнинг диаметри 13.2 мм ни шаиланган ен шохлар сони 3.4 донани ташкил этди.** . 90x20 см га экилган вариантда етиштирлаган **Кўчатларнинг бўйи ўртача 176.5 см кўчатларнинг диаметри 13.2 мм ни шаиланган ен шохлар сони 3.4 донани ташкил этди**

90x12 см га экилган вариантда 0.1 га майдонда жами 9000 дона пайвандтаг экилган шунда таёр бўлган 1- **тоифа** кўчатлар сони 2873 донани 2-**тоифа** 4552 донани ташкил этди. 90x12 см экилган вариантда 2075 дона кўчатлар сони нобуд бўлганлиги аниқланди. (2-жадвал) 90x15 смга экилган вариантда 0.1 га майдонда жами 7400 дона пайвандтаг экилган шунда таёр бўлган 1- **тоифа** кўчатлар сони 3623 донани 2-**тоифа** 2232 донани ташкил этди. 90x15 смга экилган вариантда 1545 дона кўчатлар сони нобуд бўлганлиги аниқланди. 90x20 смга экилган вариантда 0.1 га майдонда жами 5555 дона пайвандтаг экилган шунда таёр бўлган 1- **тоифа** кўчатлар 3536 донани 2-**тоифа** 1166 донани ташкил этди нобуд бўлган кўчатлар 833 донани ташкил этди. 90x25 смга экилган вариантда 0.1 га майдонда жами 4444 дона пайвандтаг экилган шунда таёр бўлган 1- **тоифа** кўчатлар сони 2883 донани 2-**тоифа** 924 донани ташкил этди. 90x25 смга экилган вариантда **637** дона кўчатлар сони нобуд бўлганлиги аниқланди.



Вариантлар	1га дон	0.1 га /дон	Кўчатларнинг тоифалари		Нобуд бўлган кўчатлар
			1-тоифа	2-тоифа	
90x12 см назорат	90000	9000	2873	4178	2075
90x15 см	74000	7400	3623	2048	1392
90x20 см	55555	5555	3563	1166	833
90x25 см	44.444	4444	2883	924	637

**ММ-106 пайвандтагларда етиштирилган олманинг “Пинк Леди” нави
кўчатларининг чиқишига экиш схмаларининг таъсири (2023-2024 й.й)**

2-жадвал

Хулоса Олинган натижаларга асосланиб қуйдаги хулоса келинди 90x12 смда экилган пайвандтагларда олма кўчатларига зич экилганлиги сабли ёруғлик, озуқа хаво айланиши етарли бўлмаганлига боис кўчатнинг бўйи тана диаметир бўшқа вариантларга нисбатан паст бўлди озикланиш майдони ортиб бориши билан кўчатларнинг бўйи тана диаметир 1-тоифа кўчатлар 2-тоифа кўчатлар сони ортиб борди. Андижон вилояти шароитида сифатли кўчатлар етиштиришда 90x15 ва 90x20 см схемаларда экилган кўчатларнинг давлат стандартларига мос кўчатлар чиқиши юқорилиги аниқланди. 90x25 см схемада экилган кўчатлар давлат стандартларга мос кўчатлар чиқиши аниқланди. Бироқ 90x25 см схемада экилган пайвандтаглар 1.0 га майдонда кўчатларни етиштиришда бошқа вариантларга нисбатан озлиги етиштиришда харажатларни кўплиги натижада иқтисодий самараси бошқа камлиги сабали 90x15 ва 90x20 см схемаларда экилган кўчатларнинг иқтисодий самараси юқорилиги исботланган.

